

VIII. ТРАНСПОРТ

Юк ташиш. 2018 йил январь-июнда барча транспорт турлари томонидан 155,9 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 100,6 фоизни ташкил этди.

Юк айланмаси барча транспорт турлари томонидан 751,5 млн.тн-км. ни ташкил қилди ва 1,8 фоизга кўпайди.

Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари

	2018 йил январ-июн	2017 йил январ-июнга нисбатан фоиз ҳисобида
Ташилган юк, млн. тн	155,9	100,6
<i>шу жумладан:</i>		
автомобил транспортида	155,9	100,6
Юк айланмаси, млн. тн-км	751,5	101,8
<i>шу жумладан:</i>		
автомобил транспортида	751,5	101,8


Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобил транспортининг юк айланмаси 2017 йил январ-июнга нисбатан 2,4 фоизга кўпайди ва 250,3 млн. тн-км. ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 34,7 фоизни ташкил этди (2017 йил январ-июнда 34,4 фоиз).

Йўловчи ташиш. 2018 йил январ-июнда барча транспорт турлари томонидан 69,7 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,4 фоизга кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 100,4 фоизни ташкил этиб, 1977,9 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди.

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси

	2018 йил январ-июн	2017 йил январ-июнга нисбатан фоиз ҳисобида
Транспортда ташилган йўловчилар, <i>млн. киши</i>	69,7	103,4
<i>шу жумладан, автомобил транспортида</i>	69,7	103,4
Йўловчи айланмаси, <i>млн. йўловчи-км</i>	1977,9	100,4
<i>шу жумладан, автомобил транспортида</i>	1977,9	100,4

Юк ташиш ва юк айланмаси ҳамда транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмасининг ўсиш суръатлари (фоизда)



Хусусий йўловчи ташувчилар автомобил транспортида йўловчи айланмаси 2017 йил январ-июнга нисбатан 1,8 фоизга кўпайди ва 1490,7 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди. Йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида хусусий йўловчи ташувчиларнинг улуши 75,4 фоизни ташкил этди (2017 йил январ-июнда 74,4 фоиз)